

#### **4-мавзу. Композиция ҳақида тушунча. Дарахтзорларнинг архитектура режалаштириш аҳамияти**

##### **Режа:**

- 1. Яшил қурилиш композициясининг асосий тамойиллари**
- 2. Композиция ҳақида тушунча.**
- 3. Дарахт ва буталарнинг композицияси**
- 4. Гул ва яшил ўтлар композицияси**
- 5. Газонлар композицияси**

##### **Яшил қурилиш композициясининг асосий тамойиллари.**

Бирор-бир ҳудудни кўкаламзорлаштириш жараёнида унинг ер майдонларини ташриф буюрувчилар кўз нигоҳида қандайдир нафис ландшафт кўринишидаги санъат жозибасига келтириш зарур бўлади.

Бунинг учун яшил ҳудуднинг умумий тамойилларини билиш ке рақ. бу тамойиллар ўз навбатида: ер майдонларини қандай тартибдаги, яъни услубдаги планировкага эга бўлиши кераклиги, ўсимлик дунёсининг турлари бўйича жойланиши, уларда гуллар тўлқинининг намоён бўлиши, инсон кўз нигоҳида жонли ва жонсиз предметлар нинг товланиб кўриниши, яшил ҳудудлар композицияси маркази, уларнинг ўзаро нисбати ва масштаби, соя ва ёруғликнинг ўзаро нисбати, шунингдек, ўсимликлар дунёси гуллаш даврининг давомий лиги, япроқ ва нинабаргли дарахт лар ва бутасимон ўсимликларнинг нафис кўринишдаги композиция намоён қилиши, ўцимон ўсимликлар ва гуллар композицияси, майсазорлар композицияси, архитектура бинолари ва иншоатларни, сув ҳавзалари атрофини шафтига уйғунлашган каштан кўкаламзорлаштириш услублари. дарахтининг гуллаган даври.

Яшил ҳудудлар барпо этишда уч турдаги кўкаламзорлаштириш услуби қабул қилинган: **мунтазам, пейзаж ва аралаш** ҳолдаги.

Мунтазам услубда – барча кўкаламзорлаштириш элементлари ва обектлари мунтазам ёки тўғри геометрик шаклга эга бўлади. ташкил этиладиган гулзорлар айлана, тўғри тўртбурчак, ромбсимон, учбурчак, юраксимон ва ҳоказо кўринишда;

қуриладиган йўлаклар тўғри чизик ёки ярим айланасимон шаклда бўлади. манзарали дарахтлар, бутасимон ўсимликлар турлари бўйича ва гулларнинг экилиш схемалари режага киритилган ҳолатда қатъий белгилаб олинади. экилиш схемасига мувофиқ равишда бир хил турдаги ва бир хил ўлчамдаги манзарали дарахтлар, буталар ва гул ўсимликлари танланади. энг асосийси кўкаламзорлаштиришда ўсимликлар дунёсининг навбатма-навбат гуллар тўлқинини намоён қилиши эътиборга олинади. агар гулларнинг ранги бири иккинчисини тўлдириб ёки орттириб кўрсаца у инсон кўз нигоҳида яхши қабул қилинади (яшил қизил билан, ҳаво ранг тўқ сариқ билан). Қизил, тўқ сариқ ва сариқ ранглар – иссиқ, ёрқин ва узоқдан яхши кўринади; яшил, ҳаво ранг ва би нафша ранг – совуқ, хира ва бироз масофада мавҳум бўлиб қолади,

атрофдаги фонда ютилиб кетади. Оқ ранг бошқа ҳамма ранглар билан мос келади. кумуш ранг ва кулранг ўсимликларнинг марказлашган ранги ҳисобланади.

Ўсимликларда ранглар жамланмаси қуйидагича тартибда бўлиши мумкин:

1. Контраст яъни, қарама-қарши рангларни жойлаштириш. Қизиляшил, ҳаво ранг-тўқ сариқ, сариқ-бинафша ранг.

2. Гармоник – ранглар навбатма-навбат жойлаштирилади. Қизилсариқ, тўқ сариқ-яшил, сариқ-кўк, яшил-ҳаво ранг.

3. Дисгармоник – ранглар бошқа ёнидаги ранглар билан жойлаштирилади: қизил-тўқ сариқ-яшил-кўк-ҳаво ранг-бинафша ранг.

4. Нюанс – бир хил рангнинг оч рангидан тўқ рангигача; оч қизилдан тўқ қизилгача, ҳаво рангдан тўқ кўк ранг кўринишигача давом этади.

Пейзаж услубида кўкаламзорлаштирилаётган ҳудуднинг майдони бир-биридан ҳар хил бўлган майдончаларга бўлиниши билан фарқланади: бир хил симметрик бўлмаган ҳолдаги майдонларга бўлиш, дарахтлар, буталар ва гулларни эркин ҳолатда тартиб билан экиб бо риш, инсон кўз қарашларида қандайдир манзарали кўринишдаги сув ҳавзалари барпо этиш кабилар. пейзаж услубидаги ҳудуднинг элементлари носимметрик тарзда жойлаштирилади. масалан, тошкент шаҳридаги кўнгилочар боғлар, «Мирзо Улуғбек», ва «хотира» маданият ва истироҳат боғларидаги арнаментли кўринишга эга бўлган сув ҳавзаларини бунга мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Аралаш ҳолдаги кўкаламзорлаштириш услубида мунтазам ва пейзаж услуби биргаликда қўлланилади. бунда инсон кўз нигоҳида архитектура ландшафтига эга бўлган бинолар, иншоотлар; боғ-паркларга кираверишдаги ҳар хил кўринишдаги дарвозалар; қандайдир кўриниш касб этадиган ҳайкаллар ёки монументлар; фавворалар, шунингдек, бирор-бир геометрик кўринишга эга бўлган гулзорларни бутун бир ўсимлик дунёси билан тасвирланишидан иборат бўлади. шунингдек, кўкаламзорлаштиришда мунтазам классик услубдан бошқа ландшафтли (англия) услубда ҳам яшил ҳудудлар барпо этиш режалаштирилади.

Ландшафт услубида кўкаламзор ҳудудлар барпо этишда атрофмуҳит ландшафтини табиий ҳолича сақлаб қолиш, улар орасида кўкаламзорлаштиришнинг ҳар хил иш турларини бажариш: сўқмоқ йўллар ташкил этиш, ўсиб ривожланаётган ўсимлик турларига табиий сув йўналишини ташкил этиш, булоқлар, ирмоқлар ва улар атрофидаги ўсимлик дунёсини тозалигича ушлаб туриш керак бўлади. Бунинг учун мутахассис жойнинг манзарали ва ўсимлик дунёсининг биологик хусусиятига эътибор бериб бориши лозим. шунингдек, ўсимлик оламининг бино ва иншоотларнинг архитектура ландшафт кўринишига мослиги ва уларни тўғри жойлаштириш керак бўлади.

## **Кўкаламзорлаштиришда композиция, шакллантиришнинг композицион турлари**

Композиция – маълум бир майдонда ҳар хил элементлар ва предметларни бадий асар яратиш даражасида жойлаштириш санъатидир. у маълум фикрни билдиради. ҳамма яшил дарахтзорлар боғ-саройлар (парк) санъат (маҳсулидир) асаридир. шу мақсадда дарахтзорларни яратишда композициянинг умумий йўлларини билиш керак (жойлаштириш услуби, колорити, келажаги, пропорционаллиги ва масштаблиги, композициянинг маркази, соя ва ёруғликнинг нисбати, контрастлиги, гуллашнинг бетўхтовлиги) ва дарахтларнинг, буталарнинг, гуллар, газонли ўтларнинг, архитектура элементи ва иншоотларнинг композиция тарзида жойлашишини билиш зарур.

Дарахтлар, буталар ва гулларни, бинолар ва бошқа иншоотларнинг ҳар хил рангли бўлиши, кўкаламзорлаштириладиган майдоннинг бадий кўринишини яратишда асосий аҳамиятга эгадир.

Инсоннинг кўз қарашларида ранглар тўлқин узунлиги 400 мкм дан 700 мкм гача бўлганини қабул қилади. тўлқин узунлиги 400–430 мкм гача бўлганлари бинафша ранг, 470–500 мкм гача ҳаво ранг, 500–570 мкм гача яшил, 570–590 мкм гача сариқ, 590– 630 мкм гача оч сариқ, 630–700 мкм гача қизил ранглар тарзида қабул қилинади. бу нурларнинг бирлашмаси кундузги ёруғлик сифатида ҳис қилинади. тўлқин узунлиги 400 мкм дан кам бўлгани ултрабинафша 700 мкм дан узунлари эса – инфрақизилдир. ултрабинафша ва инфрақизил нурлар кўринмайди. юқорида такрорланган ўсимликлар туридан ён атрофга тараладиган ва инсон кўз қарашларида товланиб турган бу нурлар кўкаламзор ҳудудларга ажойиб ландшафт намоён қилади.

Ранг бўйича маълум композицияни яратишда қуйидаги ранглар мажмуаси бир-биридан фарқ қилинади:

а) контрастли – думалоқ шаклдаги гулзорда бир-бирига қарама-қарши жойлашган, яъни қизил яшил билан тўқ сариқ ҳаво ранг билан, сариқ бинафша ранг билан;

б) гармоникли – думалоқ гулзорда биттадан кейин жойлашган, яъни қизили сариқ билан, тўқ сариқ яшил билан, сариқ ҳаво ранг билан, яшил бинафша ранг билан, ҳаво ранг қизил билан ва шу рангларнинг мажмуаси жигар ранг билан;

с) дисгармонияли – айлана шаклидаги гулзорда ёнма-ён жойлашган, яъни қизил тўқ сариқ билан, тўқ сариқ сариқ билан, сариқ яшил ҳаво ранг билан, ҳаво ранг бинафша ранг билан, бу жойлашув чиройли эмас ва уларни тоза ҳолда қўллаш тавсия этилмайди, балки марказлашган ранглар билан бирга қўлланилади;

д) нюансли – бир рангнинг ҳар хил кўринишда бўлиши: атиргул, оч қизилдан тўқ қизилгача, ҳаво ранг оч ҳаво рангдан тўқ ҳаво ранггача.

Клумбалар – шакли деярли бир хил ўлчамдаги, турли перпендикуляр йўналишдаги, геометрик тугалланган контур шаклида бўлади. бошқача қилиб айтганда, гулзор – бу жимжимадор гулли жўяк, барча йўналишлар деярли бир хил ўлчамга эга. клумбалар атрофидаги майсазор ёки йўлакчалардан юқорироқ қилиб ҳосил қилинади ва манзарали ўсимликлар экилади. клумбалар одатда майсазор фониди жойлаштирилади, очиқ майдонларда эса уларнинг четлари чим-ажриқ билан ҳошияланади. майсазордаги гулзорлар бир вақтнинг ўзида гулзор қисми ёки унинг маркази бўлиши ёки партерда марказий ҳолатни эгаллаши мумкин. клумбалар шакли бўйича юмалоқ, квадрат, тўғри бурчак, чўзинчоқ, юлдузсимон ва бошқача кўринишларда бўлади.

Гулзорлар ўлчамининг катталиги турличадир: 0,75 см дан 7 м гача ва ҳатто диаметри 20 м ли, лекин кўпинча 4 м дан 6 м гача бўлган ўлчамдагилари энг кўп тарқалган. клумбалар юзаси доим дўнг, 5–10 га қия қилинади, яъни юза радиусининг ҳар бири узунасига ўлчанганда 5–15 м ва ундан кўпроққа кўтарилади. Дўнг гулзорларда гуллар жуда яхши кўринади ва сувнинг туриб қолиши бўлмайди. Жуда баланд ёки «ёпиштирилган» гулзорлар ноқулай бўлади, чунки суғориш вақтида ва ёмғир сувларидан тупроқ ювилиб кетиши мумкин ва бундай гулзорлар тезда қуриб қолади. клумбаларнинг энг катта баландлиги 50–80 см, асосий кўриниши майсазорлардан 8–10 см баланд бўлади ва четлари ажриқ ёки 25–50 см кенгликдаги майсазор экинларининг аралаш уруғини сепиш билан ҳошияланади. марказга нисбатан унчалик дўнг бўлмаган гулзорларнинг марказий қисми баландроқ четларига эса паст бўйли ўсимликлар экилади. акс ҳолда, гулзорларнинг марказий қисмини кўриш мумкин бўлмай қолади.

Ўсимликларнинг қайси гуруҳга мансублигига кўра клумбалар қуйидаги турларга бўлинади: гиламли, яъни паст бўйли, гулловчи ёки манзарали-баргли, турли хил ўсимликлар экилган клумбалар. Ўсимликларнинг кўринишини бир хил баландликда сақлаш учун гулли, асосан йирикроқ гулловчи ҳамда манзарали-баргли ўсимликлар кўшиб экилган клумбалар. бунда бир йилликлар ҳам, кўп йилликлар ҳам, очиқ ерда қишлоғчи ва қишламайдиган ўсимликлар қўлланилади. бир йилликлар алмашувчи (вегетация даврида ўсимликлар алмаштирилади) ва алмашмайдиганларга бўлинади. алмашувчи клумбаларда баҳорда кўпинча паст бўйли (20 см гача) ўсимликлар ишлатилади. клумбаларда баҳорда виола, неза будка, лола, салтолина, эхеверия, синерария-маритима ва иризениялар яхши кўринади.

Кўкаламзор ҳудудларда манзарали дарахтларни экишдан олдин майдон кўриб чиқилади, эски иншоотлар фундаментлари, тошлар, столбалар ва бошқалар олиб ташланади.

Кўкаламзорлаштириш ҳудуди агротехник тайёргарлик қилинишида қуйида мавжуд бўлган қимматли дарахтларни сақлаш (дарахтлар, буталар, ўт ўсимликлари), уларни парвариш қилиш, кўкаламзорлаштириш иши учун

тупроқ тайёрланади. бу тадбирлар тайёргарлик ишларининг асосий комплексига киради ва бошқа муҳандислик ишлари билан боғлаб олиб борилади. Дарахтларга яқин жойда (1,5–2 м) коммуникация ишлари олиб борилса, дарахтларнинг илдизларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари ўтказилади.

Тупроқнинг дарахтлар илдиз қисмига яқин жойи кесиб олинса дарахтларга зиён келтириш мумкин. агар юқориги 10–15 см қалинликда тупроқ қисми кесиб борилса, дарахтларнинг кўп тури шу шароитга мослашиб қолади. агар тупроқ чуқурроқ кесилса, дарахтнинг илдизлари очилиб кетиб қуриб қолиш ҳолатлари бўлади.

Табиий тупроқни дарахт кўчатлари экишга тайёрлаш учун тупроқ ҳайдалади ва ҳамма майдонга ўғит сепилади. шуни эътиборга олиш керак-ки, дарахтларнинг илдизлари ўзи экилган жойдан узоқроққача ўсиб боради. Ўғитларни ўсимлик ва тупроққа солиш меъёри шу тупроқнинг тури ва ўсиб ривожланиш шароитларига боғлиқдир.

Илдизлари очик кўчатларни экиш учун чуқурчалар думалоқ ёки квадрат шаклида қазилади. Чуқурчалар кўмилгандан сўнг туб қисми 10–12 см чуқурликгача юмшатилади. кўчатларни янги қазилган чуқурларга 5–7 кундан сўнг экилади. бу вақт ичида чуқурлар ичида шамол алмашинади ва кислород билан тўйинади. Чуқурларнинг катта-кичиклиги дарахт ва буталарнинг илдиз қисмининг ўлчамига боғлиқдир.

Дарахт ва буталарга парвариш беришда асосий тадбирлардан бири бу уларнинг шох-шаббаларига манзарали шакл беришдир. бунинг учун қисман кесилади ва кесиш ишида ўсимликларнинг биологик ва манзарали-эстетик хусусиятлари эътиборга олинади. Дарахт ва буталарнинг шох-шаббалари тўғри кесилса умумий ўсиш ва ривожланиши яхшиланади. шох-шаббаларига маълум бир шакл берилади, қуруқ шохлари, касал ва қалинлашган новдалари кесилади. натижада манзарали дарахт ва буталар нафис кўринишга келиб қолади.

Манзарали ўсимликлар уруғидан ва вегетатив усулда, яъни она ўсимликдан унинг қисмлари – барги, куртаги, кўчати, шохи, илдизи, туганаги ва ҳоказоларни ажратиш йўли билан кўпайтирилади. кўпгина бир йиллик ўсимликлар уруғидан кўпайтирилганда, шу навга тегишли хусусиятларни сақлаб қолади. кўп йиллик манзарали ўсимликлар, шу жумладан, пиёзсимон ўсимликларни уруғдан кўпайтириш, қоида бўйича, турли-туман авлодлар келиб чиқишига сабаб бўлади. бу ўсимликлар кўпинча вегетатив йўл билан кўпайтирилади.

Шаҳар шароитида танланган майдонлар ва улардаги ўсимликлар дунёси турлича бўлиб, ҳар бири қандайдир ҳимоялаш ва манзарали хусусиятларни бажаради. баъзи бир йирик дарахтлар ўзидан пастроқда ўсувчи ўсимлик турларига соя солиб озроқ бўлсада унинг танаси ва баргларини иссиқ ҳаво ҳарорати ва автомобиллар ҳаракатидан чиқадиган заҳарли газлардан

химоялайди. Демак, автомобил йўллари атрофида ўсимлик дунёсидан ҳар хил композиция услубларига эга бўлган яшил ҳудудлар барпо этишимиз мумкин. Чунки, барпо этилган ушбу композицион ҳудудлар ўзининг кўриниши бўйича қандайдир шакли ва ўзининг барча элементлари билан ландшафтини намоён этиши керак бўлади:

- автомобил йўли атрофидаги япроқ ва нинабаргли дарахтлар йўлнинг юза қисми томонидан шаклий кўриниши;
- яшил ўсимлик турларининг автомобил йўлига тушадиган соя йўналиши;
- япроқ ва нинабаргли дарахт ва буталарнинг йўл атрофида микроқлим намоён этишини кузатиш;
- автомобил йўлининг икки томонидаги дарахт ва буталарнинг йўл йўналиши бўйича шамол ҳароратини ташкил этиши;
- автомобил йўли атрофида манзарали дарахтларни қаторга олиб, шох-шаббаларига ишлов бериб, узокдан тўғри тўртбурчак шаклидаги композицияни барпо этиш;
- йўллар атрофида, айниқса йўллар ўзаро кесишган чорраҳаларда доира, мунтазам ёки клумба кўринишидаги майдончалар ташкил этиб, уларда яшил ўсимликлар ва гул ўсимликларининг кўркам композициясини ташкил этиш. манзарали дарахтларни гуруҳ ҳолида жойлаштириб, уларни ҳар хил жонсиз бўлган мармартош ёки ёғочдан ясалган мозаикалар атрофида ёки бирор-бир ҳайкаллар, меморандумлар билан уйғунлашган нафис композицияларда кўрсатишдан иборатдир.

Марказий йўллар атрофида ҳар хил турдаги реклама роликлари ўрнатилмоқда, натижада манзарали ўсимликларни шундай жойлаштириш керак-ки, улар ушбу реклама элементларига қандайдир эстетик кўриниш бериб, ўзининг яна бир композициясини намоён этиши керак. йўллар атрофидаги яна бир ҳудуд ўзининг бошқача бир кўриниши билан йўлда ҳаракатланувчилар кўз нигоҳида ўзгача композиция намоён қилади – бу йўллар атрофидаги яшил терасса лардир. Чунки, улар майса билан қопланган, пастдан юқорига ҳар хил турдаги бутасимонлар: шарқ биотаси, шаклдош туяси, оддий сирен, юкка, япон беҳиси ва бошқалар билан ўзгача бир яшиллик намоён этади, ёки автомобил йўллари атрофидаги арнаментли темир тўсиқлар бўлиб улар ҳам ҳар хил жозибали кўринишда барпо этилади ва ўсимлик турлари билан уйғунлашган ҳолда жойлаштирилади. бу ҳам ўзининг қандайдир композицион кўриниши-фасадини кўрсатади. ёки чорраҳалар яқинида, барчанинг кўз нигоҳида, ўсимлик турларидан ҳар хил манзарали ҳайвонлар, қушлар тимсолларини яратиб, улар олдида ҳар хил жонсиз ландшафт элементларини ўрнатиб, дабдабали кўринишлар яратиш – бу ҳам бир композицион кўриниш ва ҳоказолардан иборат бўлади.

Йўллар атрофида энг асосий композицион кўринишлардан бири – бу замонавий архитектура ландшафти асосида қурилган кўркам ва ҳашаматли бинолар ва кўприкларни ҳар хил турдаги япроқ ва нинабаргли дарахтлар,

буталар билан уйғунлашган ҳолдаги композициясини, яшил ўсимликларни қаторга, гуруҳ ҳолида ёки ўртада гиламли кўринишдаги гулзорлар ва клумбалар барпо этиб яратишдан келиб чиқади.

Икки ёқлама автомобиллар ҳаракатланадиган йўллар оралиғидаги эни 4 м гача бўлган яхлит ҳудудда ҳар хил турдаги бутасимонлар оралиқ бордюрлар бўйлаб экиб борилса, ажойиб композиция келиб чиқади. Бунда япон беҳиси, шарқ биотаси, шаклдош туяси, виргин арчаси, шакл берилган япон сафораси, садақайрағоч ва бошқа бутасимон турлар экиб борилади. айниқса бунда, шаҳар шароитида йирик япроқ баргли дарахтлар билан доим яшил бутасимонлар ва ҳар хил гул турларидан клумбалар барпо этилса, атроф-муҳитга уйғунлашган ҳолда кўркем композиция намоён бўлади

Ҳар бир ободонлаштирилган, кўкаламзорлаштирилган ҳудуд ўзининг композиция марказига эга бўлиши керак. Композиция маркази бўлиб фаввора ёки гулзори бўлган майдонча, ёки сув ҳавзаси, фавворалар ва гулзор билан қопланган асосий ҳиёбон хизмат қилиши мумкин.

Асосий қисмининг яхлит кўриниши билан ва ўзаро тўғри кесишганлик даражаси – мутаносиблик ва кенг кўламлилик дейилади. Масалан, агар ҳиёбон кичик бўлса, бу ҳолда унинг четлари тўсилган бўлиши лозим; ҳиёбон ҳажми катта бўлса унга тўсувчи деворлар баланд қилиб қурилади.

Гулзорнинг катта-кичиклиги у жойлашган майдон ҳажмига боғлиқ. Гулзордаги ўсимликларни тўплашда эътиборни шунга қаратиш лозимки, гуруҳдаги ўсимликлар баландлиги бўйича секин-аста ўзгариб, бир-бирига уйғунлашиб бориши керак.

Ўсимликлар дунёси бекиёс ранг-баранг шакллар, фактуралар ва қиёфага эга. Ўсимликларнинг манзарабоплик хусусиятларининг кўплиги, бунинг устига, вақт ва фасллар доирасида ўз қиёфасини ўзгартириб туриши, шаҳарлардаги боғлар, истироҳат боғлари, ҳиёбонлар ва бошқа ҳудудларнинг архитектура кўринишини ўзгартиришга чекланмаган имкониятларни очиб беради. Экинзорлар шундай бир материалдирки, у алоҳида бинони ёки бир неча биноларни, микрорайон ва мавзеларнинг яхлит кўринишини таъминлайди. Боғлар, истироҳат боғлари, ҳиёбонларнинг яшил экинзорлари, катта йўл ва кўчалар ёқасидаги кўкаламзорлаштирилган йўлкалар шаҳар қисмларини бирлаштириб туради ҳамда шаҳарга гўзал манзара бағишлайди.

Экинзорлар ёнидаги ҳовузчалар шаҳарнинг архитектура ечимини юмшатиб, унга рангбаранг кўриниш беради ва шу билан “тош-бетонли” кўриниш тасаввурини инкор қилади.

Шаҳарларнинг ҳажми-фазовий қиёфаси, яъни силуэтини яратишда яшил экинзорларнинг аҳамияти каттадир.

Айнан яшил экинзорлар катта ёки кичик массивлар кўринишида, шунингдек, кўчалар ва майдонларда, мавзе ва микрорайонларда қаторлаб ва гуруҳлаб экилган ўсимликлар шаҳарнинг ҳажм кўриниши ечимига хуш манзаралилик ва мазмун бағишлайди.

Яшил экинзорлар нафақат эстетик, балки психологик аҳамиятга ҳам эга. Ранглар бойлиги, гулларнинг уфори, барглар шивирлаши – буларнинг барчаси микроиклим яхшиланиши баробарида инсонга, унинг кайфияти ва асабларига ижобий таъсир кўрсатади.

Дарахтзорларни режалаштириш тадбирларида, масалан, шаҳар транспорти қатновини ва пиёдалар юришини бошқаришда йўлакларни жойлаштиришда, “хавфсизлик оролчалари” ни барпо этишда қўллаш мумкин. Дарахтзорлардан эски қурилишлар ва бошқа кўримсиз жойларни тўсиб қўйишда ҳам фойдаланилади.

Шундай қилиб, дарахтзорларнинг архитектура–режалаштириш аҳамияти жуда каттадир.

### **ДАРАХТ ВА БУТАЛАРНИНГ КОМПОЗИЦИЯСИ**

Дарахт ва буталарнинг композицион шакллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

солитерлар (газонда экилган якка дарахт); ўсимликлар гуруҳлари; ўрмон массивлари ва кичик ўрмонлар; қаторлаб экилган дарахтзорлар; ҳиёбонлар; яшил тўсиқлар; яшил деворлар; ҳар ҳил шакл бериб экилган экинзорлар; чирмашиб ўсувчи ўсимликлар.

*Солитерлар* – бу якка ҳолда ўсувчи дарахт ёки буталар. Бундай турда жойлаштиришда алоҳида ўсимликларнинг манзарабоплик хусусиятлари инобатга олинади: ўсиш жадаллиги; шох-шаббасининг шакли; барглари; гуллари ва меваларининг ранги.

Солитерлар учун қуйидаги дарахт ва буталарни танлаш мумкин: эман, шарқ чинори, ленкоран акацияси, лола дарахти, думалоқ шаклли оқ акация, йирик баргли жўка, мажнун тол, виргин арчаси, қрим қарағайи, қора қарағай, чубушник, оддий лигуструм ва бошқалар. Солитерлар очиқ жойга экилади, бунда уларни *газон солитерлари* дейилади, ёки бундай дарахтлар йўлкаларнинг охирига экилади ва *истикболли солитерлар* деб аталади.

Газонлар фонида конуссимон ёки шарсимон (думалоқ) шох-шаббали дарахтларни экиш тавсия этилади. Истикболли солитерларда шох-шаббаси ёйилиб ўсувчи дарахтлар чиройли кўринади; сув ёнида айникса мажнунтол хушманзара кўриниш ҳосил қилади.

Солитерлар яратиш учун катта ёшдаги дарахтлардан ёки стандарт кўчатлардан фойдаланилади, аввало улар гуруҳлаб экилади кейинчалик, биттадан дарахт ёки бута қолдирилади.

*Гуруҳ* - назар солганда яхлит кўринадиган ўсимликлар мажмуаси. Ҳажмига кўра гуруҳлар кичик (2-3 талик) ўрта (4-7) ва катта (8-16) га бўлинади. Тузилишига қараб оддий ва мураккаб гуруҳларга ажратилади. Оддий гуруҳлар фақат дарахт ёки буталарнинг битта туридан ҳамда бир нечта туридан ташкил топади. Мураккаб гуруҳлар ҳам дарахт ҳам буталардан яратилади. Мураккаб гуруҳларда ва ҳар хил турли гуруҳларда ўсимликлар бўйига ва шох-шаббасининг шаклига кўра танланади. Гуруҳлар тиғиз бўлиши мумкин, бунда тиғиз шох-шаббали дарахтлар ишлатилади, жўка, дала заранги

ва бошқалар ҳамда нафис, панжарасимон, уларда нафис шох-шаббали дарахт турлари қўлланилади (гледичия, сафора ва бошқалар). Гуруҳдаги ўсимликларнинг ўзаро уйғунлашуви учун шохшаббасининг шакли ён шохларининг тузилиши, баргининг қалинлик даражаси, экологик ва манзарабоплик жиҳатдан бир-бирига мутаносиблиги назарда тутилади.

Буталардан ташкил топган гуруҳларни яратишда ҳар хил турларнинг бир вақтда гуллаши ёки мавсумга қараб, ҳар хил вақтда гуллашига эътибор қаратилади. Гуруҳдаги дарахтлар орасидаги масофа, одатда, 3-4 метрни ташкил этади. Бу масофани икки бараварга қисқартириш мумкин, лекин, келгусида сийраклатиш шарти билан. Гуруҳдаги буталар орасидаги масофа ўсимликларнинг ҳажмига қараб 0,5-1,5 метр бўлади. Гуруҳларда дарахт ва буталар аралаш экилганда уларнинг орасидаги масофа 1-3 метрни ташкил этади.

*Ўрмон массивлари ва кичик ўрмонлар.* Массивлар бир нечта ўн гектар майдондан ташкил топади, кичик ўрмонлар – 0,2 гектар ва ундан кўпроқ майдонни эгаллайди. Ўрмонлар нинабаргли, япроқ баргли ва нинабарг – япроқ баргли экинлардан барпо этилади. Таркибига кўра, ўрмонлар тоза ва аралаш, шаклига кўра оддий ва мураккаб бўлади. Массивлар ва кичик ўрмонлар дарахтсимон, бутасимон, ҳамда дарахт-бутасимон экинлардан яратилади. Тўғри йўналган қаторлар оралиғи (1x1 м; 3x1 м; 4x4 м; 3x5 м ва ундан ортиқ) бўлиши; параллел равишда қайрилган чизиқлар бўйича, қайрилиш радиуси катта бўладиган бўлса (қатордаги дарахтлар оралиғи ҳамда қаторлар ораси 4-5 метр), эркин ҳолда яратилиши мумкин. Ўрмон массивида дарахтларни эркин ҳолда жойлаштириганда, баланд бўйлилари марказда, пастроқ бўйлиларини – четки қаторда экилади.

*Аллея* деб, икки томондан дарахт билан ўраб турган пиёда йўлакларига айтилади. Улар *очиқ хилда* (пирамидасимон ва шарсимон шох-шаббалари бир биридан маълум масофада жойлашган) ва *ёпиқ хилда* (шох-шаббалари бирлашиб ўсган) бўлади. Ёпиқ хилдаги аллеялар нафис, панжарасимон (гледичия, акация ва бошқалар), ярим сояли (ёнғоқ), ҳамда сояли (эман, шарк чинори, каштан) бўлиши мумкин. Узун ва кенг аллеяларда баланд ўсувчи, кенг шох-шаббали дарахтлар экилади. Тор ва калта аллеяларда паст бўйли пирамидасимон шох-шаббали дарахтларни ва буталарни экиш тавсия этилади.

*Қаторлаб экилган дарахтзорлар* қаторли ва хиёбонли турларга ажратилади. Қаторли экинлар – бир қатор, икки қатор, кам ҳолларда уч қаторли бўлади. Қатор оралаб, дарахтлар шахмат усулида ёки бир-бирига қарама-қарши ҳолда экилади. Қаторли экинларда дарахтлар орасида масофа 1-жадвалда келтирилган.

*1-жадвал*

**Қаторли экинларда дарахтлар орасидаги масофа, м**

Дарахтлар	Бир қаторли	Икки қаторли, шахмат усули
-----------	-------------	----------------------------

	Сийраклатилмаган	Сийраклатилган	Қатордаги дарахтлар оралиғи	Қаторлар оралиғи
Кенг шох-шаббали, баланд бўйли, тез ўсувчи	5,5-6,0	3,5-4,0	7,5-8,0	4,0-4,5
Баланд бўйли, секин ўсувчи	4,4-5,0	3,0-3,5	6,0-7,0	3,2-3,5
Ўрта бўйли, тез ўсувчи	4,5-5,0	3,0-3,5	6,0-7,0	3,2-3,5
Ўрта бўйли, секин ўсувчи	4,0-4,5	2,0-2,5	5,0-5,5	2,5-3,0
Паст бўйли (10 м гача)	3,5-4,0	2,5-3,0	5,0-5,5	2,5-3,0
Тор шох-шаббали, бўйи ҳар хил	3,0-4,0	-	4,0-5,0	2,2-3,0

*Эслатма.* Сояга бардош берадиган дарахт турлари учун кам оралиқ масофа кўрсатилган; ёруғсевар турлар учун – кенг оралиқ масофа олинади.

*Яшил тўсиқлар* – баландлиги 2,5-4 м, эни 1-1,3 м бўладиган дарахтлар ва буталардан ташкил топган тиғиз экинзорлар. Улар бир қаторли ва икки қаторли қилиб яратилади. Қаторлардаги ўсимликлар оралиғи бир қаторли экинларда 0,67 м (сояга чидамлилар) ва 1 м (ёруғсеварлар) ни ташкил қилади. Икки қаторли экилганда қатордаги оралиқ масофа 1-1,25 м; қаторлар ораси – 0,6-0,7 м бўлади. Жонли деворларни яратишда нинабаргли ва япроқбаргли экинлардан фойдаланилади, бунда ўсимликларда тиканлар бўлишига эътибор қаратилади (гледичия, маклюра). 10 метр жойга бир қаторли усулда 1015 та кўчат, икки қаторлида эса – 16-20 кўчат экилади.

*Жонли деворлар* – дарахт ва буталар тиғиз тўсиқ шаклида экилади, қирқилганда текис ўсувчи қалин яшил девор ҳосил қилинади. Ўзбекистонда яшил тўсиқларни барпо этишда оддий лигуструм, қизил свидина, писсард олчаси, оддий шамшод, шарқ биотаси ва бошқалардан фойдаланилади. Шакл берилиш хусусиятига кўра, яшил тўсиқлар: эркин ўсувчи, шакл берилган ва тўсиқ ишқомли турларга бўлинади.

Шакл берилган яшил тўсиқларнинг кўндаланг кесим шакли тўғри бурчакли (асосан сояга чидамли экинлар), трапециясимон ва ярим овалсимон (асосан ёруғсевар экинлар) бўлади. Ишқомли яшил тўсиқларни яратиш учун

махсус тўсинлар қурилади ва уларга ўсимликларнинг алоҳида пояларини ўралган ҳолда чирмаштириб ўстирилади. Яшил тўсиқлар бир турдаги экиндан, кам ҳолларда ярус шаклида (баландлиги бўйича ҳар хил бўлган) икки турдаги экинлардан барпо этилади.

Яшил тўсиқлар бир қаторли, икки қаторли, ва нисбатан камроқ уч қаторли усулда яратилади. Баландлиги бўйича уларни жуда паст, ўрта ва баланд бўйлиларга ажратилади. Яшил тўсиқларнинг баландлиги, қаторлар сони ва шакл бериш усулига мувофиқ ўлчамлари 2 жадвалда келтирилган.

*Боскетлар* – геометрик шаклга эга бўлган ёпиқ жойлар, майдончалар, яшил тўсиқлар ёки яшил деворлар билан тўсилиб, уларнинг ички қисмида фавворалар ёки гулзорлар жойлашадиган манзара.

Геометрик услубда экилган, махсус шакл берилган кўп қаторли (8 та ва ундан кўпроқ) тигиз экинзорларни ҳам боскетлар деб аташ мумкин.

*Фигуралли яшил экинзорлар* – тўғри геометрик ёки услубли фигура шакли берилиб, сунъий шакллантирилган экинлар. Ушбу экинзорларни барпо этишда секин ўсувчи, кесишга чидамли бўлган дарахт ва бута турларидан фойдаланилади. Уларга асосан виргин арчаси, шарқ биотаси, шамшод, бирючина ва шу кабилар киради.

*Чирмашиб ўсувчи ўсимликлар* – дарахтсимон бута ва ўтсимон чирмовуқ ўсимликлари. Булар бинолар, иншоотлар, айвон ва айвончаларни вертикал равишда безатиш учун қўлланилади. Чирмашиб ўсиши учун уларга тўсинлар керак бўлади. Чирмашиб ўсадиган экинларнинг қуйидаги турлари мавжуд: девор ёни бўйлаб – бинолар ёнида, айвон ва айвончаларда; дарахт пояси ёнида – дарахтлар, ёруғлик берувчи устунлар бўйлаб; перганал ва треляжлар – чирмашувчи ўсимликлар айвончалар ва бошқа кичик архитектура шаклларида жойлашиб ўсади.

2-жадвал

### Яшил тўсиқларнинг тузилиш ўлчамлари

Яшил тўсиқлар кўриниши	Қаторлар сони	Ўлчами, см		Кўчатлар орасидаги масофа, см		10 метрда кўчатлар сони
		Баландлиги	Эни	Қаторда	Қаторлар орасида	
<b>Эркин ҳолда ўсувчи</b>						
Бордюрлар (хошия, жияк, мағиз, паст бўйли яшил тўсиқлар)	1	70 гача	50 гача	20 (25)	-	50 (40)
	2	70 гача	70 гача	25 (23)	20 (25)	80 (60)
	3	70 гача	90 гача	25 (33)	20 (25)	120 (90)

Яшил тўсиқлар: паст бўйли	1	120 гача	100 гача	40 (50)	-	25 (20)
	2	120 гача	140 гача	50 (67)	40 (50)	40 (30)
ўрта бўйли	1	200 гача	150 гача	50 (67)	-	20 (15)
	2	200 гача	200 гача	67 (80)	50 (60)	70 (25)
баланд бўйли	1	300 гача	250 гача	100 (125)	-	10 (8)
<b>Шакл бер илган (кеси лган)</b>						
Бордюрлар	1	30-50	30-50	20 (25)	-	80 (60)
	2	20-40	20-40	25 (33)	20 (25)	120 (90)
Яшил тўсиқлар: паст бўйли	1	60-120	40-60	25 (33)		40 (30)
	2	50-120	60-80	40 (50)	25 (30)	50 (40)
ўрта бўйли	1	120-180	60-80	40 (50)		25 (20)
	2	120-180	80- 100	50 (67)	30 (40)	40 (30)
баланд бўйли	1	180-250	80- 100	50 (67)		20 (15)
	2	180-250	100- 130	67 (80)	40 (50)	30 (25)

*Эслатма:* баландлиги ва эни бўйича биринчи сон-баландлик ва энининг бошланғич меъёри, иккинчиси-баландлик ва энининг энг юқори чегараси. Қавс ичида кўрсатилган ўлчамлар ёруғсевар ўсимликлардан фойдаланганда қабул қилинади.

### **ГУЛ ВА ЯШИЛ ЎТЛАР КОМПОЗИЦИЯСИ**

Гуллар билан безашнинг асосий турларини: клумбалар, рабаткалар, бордюрлар, миксбордюрлар, гуруҳланган экинзорлар, гулли массивлар, якка экинзорлар, партерлар, тошли тепаликлар ёки алпинарийлар ташкил этади.

*Клумбалар* бирор геометрик шаклдаги (доира, учбурчак, квадрат, тўғрибурчак, ромб ва бошқалар) гулзорларга айтилади. Катталигига кўра улар улкан ва кичик бўлиши мумкин. Майдони 2-3 м<sup>2</sup> дан 50 м<sup>2</sup> гача, кўп ҳолларда 10-15 м<sup>2</sup> бўлади. Клумбалар юзаси одатда кавариқ қилиниб, марказий томони кўтарилади (баландлиги клумба диаметрининг 0,1 ҳажмидан ошмайдиган). Доимийлигига кўра клумбалар бир йиллик ёки кўп йиллик бўлади. Экинлар турларига кўра улар гулли, манзарали-баргли ва гиламсимон, аралаш (гул-гиламсимон) бўлиши мумкин. Экинлар жойлаштирилиши бўйича клумбалар яхлит, ҳар хил (бир турдаги ўсимликларнинг ҳар хил навлари ёки ҳар хил турдаги ўсимликлардан) бўлади.

Клумбалар таркибидаги ўсимликлар жойлаштирилиши, баландлиги, гуллар ва барглари рангига кўра бир-биридан фарқланади.

Клумбалар одатда йилда 2 марта безатилади: баҳорда ва ёзги ва кузги мавсумда. Баҳорги безатиш учун куз мавсумида экилиб тайёрланган 2 йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар – пиёзсимонлар; ёзги-кузги мавсум учун ёзги ўсимликлар, кўп йиллик (қишлоқчи ва очик далада қишлай олмайдиган) гиламсимон ўсимликлардан фойдаланилади.

Қишлайдиган гиламсимон ўсимликлар баҳорги безатиш учун ҳам қўлланилади. Клумбалар марказига елпиғичсимон палма, агавалар экиш мумкин (буларни қишда оранжереяга кўчириб олинади). Гулли ўсимликлардан ташқари, клумбаларни безатишда атиргуллар ва газондан фойдаланилади. Клумбалар атрофи бордюрлар (эни 10-15 см) билан тўсилади. Бордюрларни яратишда бересклет, шамшод, бирючина ва бошқа ўсимликларни қўллаш мумкин ёки ғишт, табиий тошлар ва бетондан фойдаланилади.

*Рабаткалар* – бу тўғри бурчакли, узунлиги энидан уч марта ва ундан катта бўлган майдончадир. Рабатка эни 0,5-3 м, кўп ҳолларда 1-1,5 м бўлади. Давомийлигига, экинзор турлари, безатилиши, тўсилишига кўра рабаткалар клумбаларга ўхшайди. Рабаткалар ҳиёбонлар атрофида, бинолар олдида (бир томонлама рабаткалар), ёки ҳиёбон ўртасида (икки томонлама рабаткалар) жойлаштирилади. Бир томонлама рабаткаларда баланд бўйли ўсимликлар орқа томонда кўринишда, паст бўйли ўсимликлар олд тарафда жойлаштирилади; икки томонлама рабаткаларда эса баланд бўйли ўсимликлар рабатканинг марказини эгаллаб туради (8-расм).

Хошия ёки жўяк кўринишидаги гул қаторлари одатда рабаткаларнинг четки қисмига экилади. Улар бир хилдаги ёки ҳар хил рангдаги гуллардан барпо этилиши мумкин. Хошиянинг барпо этилиш услуби рабаткадаги клумбаларнинг услуби билан бир хил бўлиши лозим (9-расм).

*Миксбордюрлар* (аралаш рабаткалар) деб асосан кўп йиллик ўсимликлардан ташкил топган, бир-бирига яқин жойлаштирилган, тўғри ва нотўғри шакл берилган ўсимликлар гуруҳининг кенг камровли майдончаларига айтилади. Миксбордюрлардаги ўсимликлар гуруҳлари турларига қараб шундай танланадики, унда эрта баҳордан то кеч кузгача гуллаш жараёни давом этади (10-расм).

*Гуруҳланган экинзорлар* – турли шакл-шамоилга эга бўлган, эркин ҳолда жойлаштирилган ўтсимон ўсимликлар мажмуаси. Гуруҳлар тоза ёки аралаш бўлиши мумкин, асосан бир турли кўп йиллик ўсимликлардан барпо этилади.

*Гулли массивлар* – газонларда жойлаштириладиган баланд ва ўрта бўйли гулли ёки манзарабоп-баргли ўсимликларнинг кенг майдонларидир. Ушбу массивлар майдони 100 м<sup>2</sup> дан 1000 м<sup>2</sup> гача бўлади. Ҳар хил шаклдаги ранг-баранг конфигурацияга эга. Гулли массивларни яратишда асосан атиргуллар, георгинлар ва ирислардан фойдаланилади. Ўсимликлар бир ёки бир неча тур ва навлардан ташкил топади. Агар массив паст бўйли гулли ўсимликлардан

ташқил топган бўлса, у гуллар гиламли деб, атиргуллардан иборат бўлса – розарий деб аталади.

*Ёлғиз экинзорлар* (солитерлар) – бу юқори манзарали хусусиятларга эга бўлган бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлардир. Улар биноларга кириш жойларини, йўлакларнинг бурилишидаги композицион кўринишни янада намоён этишда хизмат қилади.

Алоҳида ўсимликни танлашда унинг баландлиги, гуллари ва баргларининг манзаралилиги хусусиятини инобатга олиш лозим. Улар кузатиш жойларидан ўсимликнинг 2-3 баравар баландлигига тенг бўлган узоқликда экилади.

*Партерлар* – тўғри геометрик шаклга эга бўлган кўкаламзорлаштирилган майдонлардир. Уларни барпо этишда ўтсимон ўсимликлардан фойдаланилади. Гулли ўсимликлардан ташқари, газонлар фониди чиройли гуллайдиган буталар, алоҳида паст бўйли дарахтлар экилади. Партер оддий майдонча ёки мураккаб (йўлакчалар билан белгиланган) бўлиши мумкин.

Партер композициясига манзарали ҳовузлар, фавворалар, ҳайкалчалар, айвончалар киритилиши мумкин. Партерлар асосан текис жойларда барпо этилади. Нотекис рельефли жойларда партерларни террасалар кўринишида барпо этилиб, уларни бир-биридан тўсиқ деворчалар билан ажратилади.

*Алтиналиларни* нотекис рельефли ҳудудларда ёки террасаларда ва зинапоялар бўйлаб жойлаштирилади, бунда тошлар ва ўсимликлар уйғунлаштириб барпо қилинади. Тошлар паст бўлиб дарахтлар ва буталар, гуллайдиган ўтсимон ва манзарали-баргли ўсимликлар учун фон бўлиб хизмат қилади. Кўп ҳолларда седиум, юкка, папоротниклар, ястаниб ўсувчи флокс ва пиёзли ўсимликлар экилади.

## ГАЗОНЛАР КОМПОЗИЦИЯСИ

Газонлар – бошоқли, кам ҳолларда дуккакли ўтлардан ташқил топган, калин, тупроқни қопловчи ўт қатлами. Уруғдан экиш, чим билан қоплаш, табиий ўтлар қопламини яхшилаш ва бошқа усуллар билан барпо этилади. Газонлар майдони 1 м<sup>2</sup> дан то бир неча гектаргача бўлиши мумкин. Қўлланилишига қараб, манзарали, спорт ва махсус газонларга ажратилади. Барча саналган газонлар гуруҳи бир йўла санитариягигиена вазифасини ҳам бажаради.

Манзарали газонлар алоҳида бир кўкаламзорлаштириш ҳудуди ёки дарахтлар, буталар ва гуллар учун фон вазифасини бажаради. Спорт газонлари ўйингоҳ, отчопар, голф майдони ва бошқа спорт майдончаларида барпо этилади. Махсус газонлар аэродромларда, шоссе ва темир йўл чеккаларида (қияликларда), гидротехник қурилмалар қияликларида барпо этилади.

Таркибига кўра газонлар тоза – бир хил ўтлардан ташқил топган; аралаш – турли ўсимликлардан (ўтлар аралашмаси), бошоқли ёки дуккакли ўтлар ва гуллайдиган ўтсимон ўсимликлар аралашмасидан барпо қилиниши мумкин. Таркибида фақат бошоқли ёки дуккакли ўтлар бўлганлари *яшил*

*газонлар* деб аталади. Ўтлар ва гуллайдиган ўсимликлар аралашмаси бўлган газонларни эса *мавритан*, ёки *жимжимадор* дейилади. Газонлар бир йиллик ва кўп йиллик бўлади.

Манзарали газонлар жойлашган ерига қараб, ҳамда парваришlash (газонларни кесиш ёки калталаш) сонига кўра портер, оддий ва чим турларига бўлинади. Шунингдек, мавритан ҳамда тупроқни қопловчи ўсимликлардан ташкил топган турлари мавжуд. Партер газонлар яшил объектнинг марказий қисмида жойлаштирилади, одатда, хайкалтарошлик намуналари, ёдгорликлар ва жамоат биноларига кириш олдида барпо этилади. Бундай газонлар ҳар 5-7 кунда кесилади. Партер газонларида асосан бир турдаги кўп йиллик ўтлардан (яйлов райграсси ёки чим), арпадан фойдаланилади.

Оддий газон яшил объектнинг барча қисмларида жойлаштирилади. Оддий газонни яратиш учун 3-5 турдаги ўтлар аралашмасидан фойдаланиш мумкин. Газонлар 1 ойда 1-2 маротаба кесилади. Чим газонлар шаҳар чеккасидаги яшил объектларда барпо этилади. Улар кўп турдаги ўтлардан иборат бўлиб, сунъий яратилган ёки аксарият ҳолларда табиий ўтлар қопламидан ташкил этилади. Табиий ўтзорда тупроқни юмшатиш йўли билан, уруғдан экиб ўтлар қоплами янгиланади. Газон ўтлари ўсув даврида 1-2 марта кесилади ва ўрилади.

Мавритан газонларини яратишда бир йиллик, гуллайдиган ўсимликлар билан кам шохлайдиган бошоқли экинлар уруғлари аралаштириб экилади. Мавритан газонлари ҳамда тупроқни химояловчи ўсимликлардан ташкил этилган газонлар кесилмайди.